International Scientific and Practical Conference Samarkand Institute of Economics and Service

Vol. 1 Issue 1 | pp. 327-330 **| ISSN:** XXXX-XXXX

Available online @ https://globalconf.net/index.php/samisi

Article

Advantages of Cultivating Medicinal Plants in Expanding the Economic Potential of Agriculture

Makhmadiyarova Yu.N. *[1]

1. Staff member of the Research, Technology Transfer (RTT) Center, Samarkand Institute of Economics and Service; independent researcher.

* Correspondence: maxmadiyorovay@gmail.com

Abstract: This article analyzes the strategic importance of growing and cultivating medicinal plants for diversifying agricultural production and enhancing the economic efficiency of the agricultural sector. It provides a scientific rationale for the profitability of cultivating medicinal plants compared to traditional crops, explores opportunities for the rational use of land and water resources, and examines the potential for increasing exports and establishing a local raw-material base for the pharmaceutical industry.

Citation: Makhmadiyarova Yu.N. Advantages of Cultivating Medicinal Plants in Expanding the Economic Potential of Agriculture. International Scientific and Practical Conference Samarkand Institute of Economics and Service 2026, 1(1), 327-330.

Received: 12th Aug 2026
Revised: 26th Sept 2026
Accepted: 8th Oct 2026
Published: 21th Nov 2026

Copyright: © 2026 by the authors. Submitted for open access publication under the terms and conditions of the Creative Commons Attribution (CC BY) license (https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/)

Keywords: agricultural economics, diversification, medicinal plants, profitability, export potential, value added, resource conservation

1. Introduction

Замонавий глобал иқтисодий шароитда аграр секторни барқарор ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Анъанавий қишлоқ хўжалиги экинлари (пахта, ғалла) билан бир қаторда юқори даромад келтирувчи, ташқи бозорда харидоргир бўлган ноанъанавий тармоқларни ривожлантириш аграр иқтисодиётни диверсификация қилишнинг муҳим омилидир.

Сўнгги йилларда жаҳон бозорида табиий келиб чиқишга эга фармацевтика, косметология ва озиқ-овқат қўшимчаларига бўлган талабнинг кескин ортиши доривор ўсимликлар саноатини энг тез суръатлар билан ўсаётган сегментлардан бирига айлантирди. Ўзбекистоннинг бой флораси ва қулай тупроқ-иқлим шароити ушбу соҳани ривожлантириш учун улкан табиий-иқтисодий салоҳият яратади.

Жаҳон иқтисодиётида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини диверсификация қилиш ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бу жараёнда доривор ўсимликларни етиштириш аграр соҳанинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Доривор ўсимликлар инсон саломатлигини сақлаш, фармацевтика саноатини хомашё билан таъминлаш, озиқ-овқат, косметика ва парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, уларни етиштириш мамлакат иқтисодий салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, экспорт тушумларини кўпайтириш ва ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароити, ўсимликлар дунёси ва аграр ишлаб чиқариш имкониятлари доривор ўсимликчиликни ривожлантириш учун қулай шароит яратади.

Ўзбекистоннинг қулай иқлим шароити, тупроқ таркиби, қуёшли кунларнинг кўплиги ва биологик хилма-хиллиги доривор ўсимликларни етиштириш учун катта имкониятлар яратади.Ҳозирги кунда табиий ресурслардан самарали фойдаланиш иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шулар қаторида доривор ўсимликлар алоҳида аҳамиятга эга. Инсоният қадимдан турли касалликларни даволашда доривор ўсимликлардан фойдаланиб келган. Замонавий тиббиёт ва фармацевтика саноатида ҳам доривор ўсимликлардан олинадиган табиий моддалар кенг қўлланилади. Шу сабабли доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиёти ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича ер юзида 250000 атрофида гуллайдиган ўсимлик турлари мавжуд. Шулар жумласидан Европа ва Осиё қитъаларида камида 75000 тури тарқалган. Ҳамдўстлик мамлакатларида 20000 тага яқин, Ўрта Осиёда эса 7000та атрофида гуллайдиган ўсимликлар ўсади. Ўзбекистон ҳудудида юксак ўсимликларнинг 4230 тури тарқалган бўлиб, улар 138 оилани ва 1028 авлодни ташкил қилади. Бу ўсимликларнинг 79 та оилага мансуб, 492 та тури маданийлаштирилган ўсимликлар ҳисобланади[1].

Ўзбекистон флорасида 4500 тага яқин ўсимликлар мавжуд бўлиб, уларнинг 577 тури доривор ҳисобланади. Табиий доривор ўсимликларни кўпчилиги тоғли ҳудудларда тарқалган ва хом ашё тайёрлашда қисман қийинчиликларни келтириб чиқаради. Қир, адир, дарё бўйларида ҳам катта-катта майдонларда бир қанча ўсимлик турлари ўсади ва уларни саноат миқёсида тайёрлаш имконияти мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида асосий қишлоқ-хўжалик экини пахта ҳисобланади. Пахта экиладиган майдонларни ҳаддан ташқари кенгайтирилиши, шу жойлардаги табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар заҳирасини қисқариб кетишига олиб келди. Шунинг учун Ўзбекистон флорасидаги ноёб доривор ўсимликлар билан Соғлиқни сақлаш тизимини эҳтиёжини қондириш учун, уларни етиштирадиган хўжаликларни ташкил қилиш муаммосини ҳал қилиш зарурияти мавжуд. Мамалакатимизда доривор ўсимлик хом-ашё маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш – дори воситаларининг рўйхати (каталог)нинг рўйхатини тузиш ва белгилаш билан амалга оширилади ва бу рўйхат республикамизда мавжуд. Бу рўйхат маълум бир даврда қайтадан кўриб чиқилади; ундан самараси кам бўлган ҳамда ҳориждан келтириладиганларига ҳожат қолмаган дори воситалари рўйхатдан олиб ташланади; уларнинг ўрнига Республикада ишлаб чиқарилаётган ва чет элдан келтирилган янги, самарали дори воситалари ушбу рўйхатга (каталог) киритилади. Анъанавий тиббиётда доривор ўсимликларга бўлган қизиқишнинг ортиб боришини қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин: Узоқ вақт давомида узлуксиз равишда ҳар қандай синтез йўли билан олинган (синтетик) доривор препаратларни истеъмол қилиш айрим органлар функсияси (бажарадиган иши) ва тузилишини турли бузилишларга олиб келадиган манбаа эканлиги аниқ бўлиб қолди. Масалан, ғарбда айрим уйқу дориларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ногирон болаларнинг туғилиши, баъзи дориларнинг рак касаллиги сабабчиси бўлиши (концерогенлиги), узоқ вақт давомида антибиотикларни қабул қилиш натижасида келиб чиққан микоз касалликлари, девинкан препаратини кўп қабул қилиш натижасидаги жинсий ожизлик ва бошқалар синтетик доривор препаратларни систематик равишда кўп қабул қилишнинг асоратларидандир[2].

[1] Э.Т. Ахмедов. Доривор ўсимлик ресурслари ва муҳофазаси (ўқув қўлланма). - Тошкент, ТошДАУ. Таҳририят нашриёт бўлими, 2019. 208 бет

[2] Ўша жойда

Доривор ўсимликлар - инсон саломатлиги учун фойдали бўлган биологик фаол моддаларга бой ўсимликлар ҳисобланади. Улар таркибида алкалоидлар, витаминлар, эфир мойлари, гликозидлар ва турли минерал моддалар мавжуд. Бу моддалар инсон организмига шифобахш таъсир кўрсатади.

Дунёда 10 мингдан ортиқ доривор ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, уларнинг катта қисми тиббиётда қўлланилади. Ўзбекистон ҳудуди ҳам доривор ўсимликларга жуда бой бўлиб, бу ерда минглаб ўсимлик турлари учрайди. Улардан кўплаб доривор препаратлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

Доривор ўсимликлар фармацевтика саноатининг асосий хомашё манбаларидан бири ҳисобланади. Кўплаб дори воситалари айнан ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддалар асосида тайёрланади. Масалан, юрак касалликларини даволашда, нерв тизими касалликларини бартараф этишда ва иммунитетни мустаҳкамлашда доривор ўсимликлардан тайёрланган препаратлар кенг қўлланилади.

Фармацевтика саноатининг ривожланиши эса мамлакат иқтисодиётига катта фойда келтиради. Чунки дори ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти кенгайиб, янги технологиялар жорий этилади ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб боради.

Доривор ўсимликларни етиштириш қишлоқ хўжалигининг истиқболли тармоқларидан бири ҳисобланади. Фермер хўжаликлари доривор ўсимликларни етиштириш орқали юқори даромад олиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Доривор ўсимликларни етиштириш, йиғиш, қуритиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларида кўплаб иш ўринлари яратилади. Шу орқали аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади ва иқтисодий барқарорлик таъминланади.

Ҳозирги вақтда жаҳон бозорида табиий доривор маҳсулотларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли доривор ўсимликлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар экспорт қилиш мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Доривор ўсимликлардан тайёрланган қуритилган маҳсулотлар, эфир мойлари ва фитопрепаратлар хорижий давлатларга экспорт қилиниши мумкин. Бу эса мамлакатга валюта тушумини кўпайтиришга ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Доривор ўсимликлар илмий тадқиқотлар учун ҳам муҳим манба ҳисобланади. Олимлар доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби ва шифобахш хусусиятларини ўрганиб, янги дори воситаларини яратиш устида иш олиб борадилар.

Бу эса фармакология, биотехнология ва тиббиёт соҳаларининг ривожланишига хизмат қилади. Янги дори воситалари яратилиши эса мамлакат иқтисодиётига инновацион ривожланиш олиб келади.

Шу билан биргаликда қишлоқ хўжалигидаги қўйидаги соҳаларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан:

- Қишлоқ жойларда янги иқтисодий фаолият турлари ташкил этиш;
- Кам ривожланган ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;
- Маҳаллий аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш;
- Қайта ишлаш ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш;
- Ҳудудий кооперация ва кластер тизимини шакллантириш.

Шунингдек, доривор ўсимликлар плантациялари асосида қишлоқ хўжалиги, саноат, илм-фан ва савдо соҳаларини бирлаштирувчи иқтисодий тизимни яратиш мумкин.

Мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришда доривор ўсимликларни етиштириш кўп тармоқли иқтисодий аҳамиятга эга. Ушбу соҳа

қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, кимё, озиқ-овқат, косметика ва экспорт тармоқлари ўртасида ўзаро иқтисодий интеграцияни таъминлайди. Доривор ўсимликларни етиштириш орқали қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий хомашё базасини кенгайтириш, импорт ўрнини босиш ва экспорт тушумларини ошириш имкониятлари юзага келади. Шу нуқтаи назардан, доривор ўсимликчиликни ривожлантиришни мамлакат иқтисодиётини диверсификация қилишнинг муҳим йўналиши сифатида қараш лозим. Айниқса, етиштиришдан тортиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспортгача бўлган ягона қиймат занжирини шакллантириш соҳанинг иқтисодий самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, доривор ўсимликлар мамлакат иқтисодиёти ривожида муҳим ўрин тутади. Улар фармацевтика саноатини ривожлантиради, қишлоқ хўжалигида янги имкониятлар яратади, экспорт салоҳиятини оширади ва илмий тадқиқотларни рағбатлантиради. Шу сабабли доривор ўсимликлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва илмий асосда етиштириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

REFERENCES

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон қарори - ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш ва уларни маданий ҳолда етиштириш тўғрисида.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сон қарори - доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш тўғрисида.

[3] Холматов Х.Х. ва Хабибов З.Х. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари, Тошкент, 1976.

[4] Э.Т. Ахмедов. Доривор ўсимлик ресурслари ва муҳофазаси (ўқув қўлланма). - Тошкент, ТошДАУ. Таҳририят нашриёт бўлими, 2019. 208 бет

[5] Ergashev R.X. Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti. Darslik. Toshkent-«EXTREMUM PRESS» 2011. –412 bet

[6] Зокиров О. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» Дарслик. Тошкент -“ILM-ZIYO” 2017.262-бет

[7] Ismoilov A., Murtazayev O. “Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti” – T.: 2003 y.

[8] Ergashyev R.X., Shoxo‘jaeva Z.S., Xamraeva S.N. Dehqon va fermer xo‘jaliklari iqtisodiyoti”. Uslubuy qo‘llanma, Qarshi, 2009 y. 112 bet.